# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 14 июль, № 138 (6832) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## «МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ» КЎКРАК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакилларини тақдирлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4944-сонли Фармонига асосан:

1. «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасининг тавсифлари 2, 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари тайёрланишини таъминласин.

4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномаларини тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 13 июлдаги ПҚ-3132-сонли Қарорига 1-илова

## «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан жамиятимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ва ролини кучайтириш, жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кенг қамровли профилактика тадбирлари ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол, ташаббускор фуқаролар ва жамоатчилик тузилмалари вакиллари тақдирланадилар.

Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

2. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлар маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари қарорлари асосида) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашларига берилади.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман (шаҳар) кенгашларининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳар йилнинг 1 май санасига қадар Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) тақдим этилади.

4. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш тартиби Республика кенгаши томонидан белгиланади.

5. Республика кенгашининг қарори билан кўкрак нишонига тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш бўйича доимий комиссия (кейинги ўринларда — комиссия) ташкил этилади.

6. Комиссия хулосаси асосида Республика кенгашининг кўкрак нишони билан тақдирлашга оид қарори қабул қилинади.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги қарор Республика кенгашининг ахборот воситаларида эълон қилинади.

7. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти оладилар.

Бир йўла тўланадиган пул мукофотлари Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Кўкрак нишони, унинг гувоҳномаси ва пул мукофоти Мустақиллик куни байрами арафасида Республика кенгаши раиси (ёки унинг топшириғига биноан бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали вазиятда топширилади.

9. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахсларнинг маҳалла тизими ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ва ибратли фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда туман (шаҳар) марказларидаги «Маҳалла маркази» мажмуалари биноларига ўрнатиладиган «Маҳалламиз ифтихорлари» ахборот пешлавҳасининг намунавий шакли Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

10. Кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳисобидан мамлакатимиз санаторийларида даволанишлари учун бир маротабалик бепул йўлланма олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11. Кўкрак нишони такроран берилмайди.

12. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 13 июлдаги ПҚ-3132-сонли Қарорига 2-илова

## «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ




«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг олд томони юқори қисмида Ўзбекистон Республикасининг харитаси, унинг остида маҳалланинг рамзий дарвозасини ифодаловчи арка тасвири кўтарилаётган қуёш нурлари фонида акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб зарҳал ҳошия билан ўралган кўк рангдаги эмал доира ичида «MAHALLA IFTIXORI» сўзлари ёзилган. Ҳарфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр, ёзувлар зарҳалланган. Унинг пастки қисми марказида иккита саккиз қиррали юлдуз оралиғида фахр-ифтихор ва шараф маъноларини ифода этувчи дафна япроқлари тасвирланган.

Кўкрак нишонининг орқа томони марказида беш қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган «MAHALLA», «TIZIMI RIVOJIGA», «QO'SHGAN», «MUNOSIB HISSASI», «UCHUN» сўзлари ёзилган.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,2 миллиметр.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Кўкрак нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабариқ доира билан ўралган.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни — 26 миллиметр, бўйи — 17 миллиметрдан иборат. Қадағич эни 22 миллиметрли шойи лента билан қопланган бўлиб, лентанинг ўртасидан эни 8 миллиметрли оқ рангли йўл, икки четидан эса ҳар бирининг эни 7 миллиметр бўлган яшил рангли йўл ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 13 июлдаги ПҚ-3132-сонли Қарорига 3-илова

## «Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони гувоҳномасининг ТАВСИФИ




«Маҳалла ифтихори» кўкрак нишони гувоҳномаси 160х110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) кўк рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ кўк рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда оралиғи 3,5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Mahalla iftixori», иккинчи сатрда «ko'krak nishoni» («Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзлари ёзилган. Ундан 6 миллиметр пастда «GUVOHNOMASI» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 17-кегль) сўзи ёзилган. Ёзувлар зарҳал рангида акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) «Тангир» тасвири туширилган оч ҳаво рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс эттирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда «GUVOHNOMA» (катта ҳарфларда, «Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзи ҳамда гувоҳнома тартиб рақами учун «№» белгиси ва 15 миллиметрли чизиқ жойлашган.

«GUVOHNOMA» сўзидан 11 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизиқ тортилган.

Пастки чизиқдан 6 миллиметр қуйида, марказда оралиғи 2 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish», иккинчи сатрда «organlari faoliyatini muvofiqlashtirish», учинчи сатрда «bo'yicha respublika kengashining» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «20__ y. «__» ________dagi», иккинчи сатрда «____-sonli Qaroriga asosan» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда оралиғи 5 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда марказда «Mahalla iftixori» («Times new Roman Bolt» шрифти, 12-кегль), иккинчи сатрда «ko'krak nishoni bilan mukofotlandi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда «Respublika», иккинчи сатрда «kengashi raisi» («Times new Roman Bolt» шрифти, 10-кегль) сўзлари ёзилган.

## Сифат ва самарадорлик — муваффақият омили



МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида нафақат ташқи, балки ички бозордан мустаҳкам жой эгаллаш, мижозлар кўнглига йўл топиш осон эмас. Нега деганда, рақобат кучли, танлаш имконияти эса катта. Бундай муҳит ишлаб чиқарувчиларни изланишга, янгилик қилишга ундаши, табиий.

Мазкур жараёнда бизнес юритиш тартиб-таомиллари тубдан такомиллаштирилиб, тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва енгилликлар берилаётгани замонавий корхоналар сафи кенгайишига туртки бўлмоқда. Натижада илгари четдан келтирилган кўплаб маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш муваффақиятли ўзлаштирилаяпти.

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманидаги "Sof Gigienik" масъулияти чекланган жамияти ана шундай субъектлар сирасига киради. Гап шундаки, бу ерда биринчилардан бўлиб болалар гигиеник воситалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга эришилган.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

## Сиёсий партиялар: УЙҒОНИШ ДАВРИ КЕЛДИ

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарининг "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" деб номланган маърузасини депутат ва сенаторлар, сиёсий партиялар вакиллари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, умуман, барча йиғилганлар дахлдорлик ва масъулият ҳисси билан тинглашди.*

Парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаолияти кенг таҳлил этилган, истиқболдаги вазифалар белгилаб берилган мазкур маъруза, очиғини айтиш керак, ишида сусткашлик кузатилаётган, жонбозлик, фидойилик, ташаббускорлик етишмаётган парламент палаталари, сиёсий партиялар аъзоларини уйғотиб юборгандек бўлди. Мухбиримиз бу ҳақда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари аъзолари фикрлари билан қизиқди.

**Клара ЖУМАМУРАТОВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси:**

— Шиддат билан ўтиб бораётган давр парламент палаталари, сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида бу ҳақда муфассал тўхталиб ўтди. Тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган партиямиз фаолияти жиддий ва ўринли танқид қилинди.

(Давоми 2-бетда).

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

## Халқ вакиллари фаолиятида туб бурилиш бўлади

*Бугун юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олган жадал ўзгаришлар, янгиланишларда миллий парламентимиз ўрни қандай бўлаяпти?*

Ушбу ислоҳотлар жараёнида сенаторлар, депутатлар ташаббуслари сезилаяптими? Куни кеча Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан биз, халқ ноибларининг давлатимиз раҳбари ёнида туриб, ислоҳотларга кўмакчи бўлиш ўрнига ҳали ҳам сусткашликка йўл қўяётганимиз, тадбир ва мажлисбозлик билан шуғулланаётганимиз, майда ишлар билан ўралашиб қолаётганимиз аниқ мисоллар асосида таҳлил қилиб берилди.

(Давоми 2-бетда).

НИМА ҚИЛДИК ВАТАН УЧУН?

## Холис сўз, таъсирчан фикр, юксак масъулият

"Эл-юртимизнинг эзгу орзу-истакларини рўёбга чиқариш, бу йўлда ғов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, тамагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиб, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантиришни ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман". Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригидаги ушбу сўзлар биз, соҳа вакилларини чуқур мушоҳадага чорлайди. Ҳақиқий журналист деган номга лойиқ иш, ижод қилаяпманми, фаолият юритаяпманми, деган саволларни ўзига беришга ундайди.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Юртимизда жадал ўзгаришлар, беқиёс янгиланишлар, туб ислоҳотлар амалга оширилаяпти. Кун-кунора турли соҳаларга доир камида 2-3 та Фармон ёки қарор қабул қилинмоқда. Оммавий ахборот воситалари ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритишга, қамраб олишга улгурмаяпти, десак, хато бўлмайди. Албатта, буларнинг барчаси, Президентимиз таъбири билан айтганда, яхши ҳаётдан бўлаётгани йўқ, аксинча, кундалик турмушда муаммолар кўплиги ва уларни ҳал қилиш зарурати шуни тақозо этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

*Бугун юртимизда “Оддий аҳолини тадбиркор қилиш” шиори остида олиб борилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Айниқса, тижорат банклари бизнес фаолиятини энди ташкил этмоқчи бўлганларга яқиндан ёрдам бериб, молиявий кўмак кўрсатаётгани туфайли оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган, ишлаб чиқариш цехи ёки хизмат кўрсатиш шохобчасини очиб, қўшимча даромад манбаига эга бўлаётганлар сафи тобора кенгаймоқда.*

# МАҚСАДЛИ САРМОЯ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Бу жараёнда “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ҳам фаол иштирок этиб, ўз сармояларини иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик хусусий секторни жадал ривожлантириш мақсадларига йўналтираяпти. Натижада ҳудудларда янги саноат корхоналари вужудга келиб, аҳолининг бандлиги таъминланаётир. Андижон туманида йиллик қуввати 10 миллион флакон инсулин ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Zamin Bio Health” масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилаётгани бунга яққол мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, мазкур йирик лойиҳа давлатимиз раҳбарининг Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқида алоҳида тилга олинган бўлиб, унинг изчил ижроси ана шу тавсиялар асосида олиб борилмоқда. Бунинг учун “Трастбанк” томонидан 7 миллиард 500 миллион сўмлик кредит ажратилиши мўлжалланган.

Бугунги кунга қадар молия муассасасининг Андижон филиали томонидан берилган кредитнинг 4 миллиард 400 миллион сўми ўзлаштирилди. Ушбу маблағ чет элдан замонавий ускуналар олиб келиш учун йўналтирилди. Бундан ташқари, Хитой давлатидан қиймати 2 миллион 947,5 минг АҚШ долларилик ускуналар келтириш учун амалий ёрдам кўрсатилаяпти.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш молия муассасамиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — дейди “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фурқат Самарходжаев. — Ушбу мақсадларга фақат жорий йилнинг биринчи ярмида 246,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани, бунинг ҳисобига 725 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилиб, 306 та иш ўрни яратилгани қувонарлидир.

Банк филиали кўмагида бунёд этилаётган “Zamin Bio Health” масъулияти чекланган жамияти 2017 йилнинг декабрь ойида фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. У ишга туширилгач, 100 га яқин иш ўринлари яратилади. Шундан салкам 25 тасига ёш мутахассислар жалб этилади.

— Корхонамизда, асосан, қандли диабет билан касалланган беморлар учун барча турдаги инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилади, — дейди мазкур корхона раҳбари Авазбек Низомов. — Ҳозирги кунда бу турдаги препаратлар чет мамлакатлардан олиб келинишини инобатга оладиган бўлсак,

ХИЗМАТ

лойиҳанинг аҳолини импорт ўрнини босувчи дори воситалари билан кафолатли таъминлаш, валютани тежашдаги аҳамиятини тасаввур қилиш қийин эмас. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, экспортни йўлга қўйишни ҳам режалаштирганмиз. Бизга бу борада яқиндан ёрдам бераётган “Трастбанк” жамоасидан миннатдормиз.

Дарҳақиқат, мазкур замонавий корхона ишга туширилгач, инсулинга бўлган ички эҳтиёжни таъминлаш, фармацевтика бозорида нарх-наво мутаносиблигига эришиш баробарида, экспорт қилиш имконияти юзага келиши кутилаяпти. Гап шундаки, тез орада корхона тўлиқ ишлаб чиқариш қувватига эришиб, йилига 2 миллион АҚШ долларилик экспорт амалиёти бажарилади.

Умуман олганда, “Трастбанк” давлат дастурлари ижросида фаол иштирок этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига молиявий мадад бериш орқали мамлакатимиз саноат салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Эътиборлиси, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан юқори босқичга кўтариш мақсадида амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу эса унинг молия бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш билан бир қаторда, банк учун янги мижозлар пайдо бўлишига мустаҳкам замин яратади.

**Раҳмон САИДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Факт ва рақамлар

- ✓ *2017 йилнинг биринчи ярмида банк томонидан ажратилган кредитлар умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 маротаба ортиб, 591,5 млрд. сўмни ташкил этди.*
- ✓ *2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг республикамиз бўйича фаолият кўрсатаётган минибанклари сони 41 тани ташкил этиб, жойларда ўрнатилган инфокиоскlари сони эса 112 тага етди.*
- ✓ *Банк мижозларининг умумий сони 241,3 мингтадан ортди.*
- ✓ *Жорий йил давомида 86,2 млрд. сўмлик инвестициявий кредитлар ажратилиши режалаштирилган.*
- ✓ *Ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб қилиш учун бугунги кунга қадар 2,1 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.*

ДУНЁ НИГОҲИ

*Япониянинг етакчи “NHK World” телеканали Ўзбекистон ҳақидаги махсус кўрсатувни намойиш этди. Токиода “Жаҳон” АА мухбирига маълум қилишларича, ушбу кўрсатувни Осиё қитъасида 350 миллиондан зиёд муштарийлар томоша қилган.*

## Ўзбекистон ҳақида махсус кўрсатув



Ўзбекистоннинг ижтимоий, сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиши ҳақидаги батафсил маълумотлар мазкур дастурдан ўрин олган. Кўрсатув муаллифлари, жумладан, минтақадаги қўшни давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича Тошкент томонидан ташланаётган фаол қадамларга алоҳида эътибор қаратишди.

Кўрсатувда республикамиз иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришларга юқори баҳо берилди. Япон журналистлари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилгани ва ҳозирнинг ўзидаёқ ушбу муҳим дастуриламал ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ қилиниши доирасида хўжалик муносабатларини либераллаштириш, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш, хорижий сармоялар ҳажмларини ошириш юзасидан салмоқли муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида қайд этдилар.

“Сайёҳлик жабҳаси катта рағбатга эга бўлди. Ўзбекистон республикага келадиган хорижлик сайёҳлар оқимини бир неча маротаба кўпайтириш, хорижлик шериклар билан биргаликда қатор йирик лойиҳаларни амалга ошириш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришни режалаштирмоқда”, дея таъкидлади “NHK World”.

Аньанага кўра, японлар Ўзбекистонни сайёҳлик ўлкаси сифатида севишади. Телекўрсатув муаллифлари шу ҳақда тўхталар экан, жорий йилнинг баҳор фаслида чартер ҳаво қатнови воситасида япон сайёҳларининг уч маротаба Ўзбекистонга сафари уюштирилгани ва йил охирига қадар яна еттита қатновни амалга ошириш мўлжалланаётганини томошабинларга маълум қилдилар.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

*жисмоний шахслар учун миллий валютада муддатли янги омонатни амалга киритганлигини маълум қилади.*

**«Халқ манфаати»**

- Омонатни сақлаш муддати — 6, 9 ва 12 ой.
- Бошланғич бадалнинг минимал миқдори — 5 000 000 сўм.
- Омонатга маблағ қабул қилиш нақд пул кўринишида амалга оширилади.
- Қўшимча бадаллар нақд пул кўринишида омонатнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
- Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди.
- Омонатга маблағ қабул қилиш 2017 йил 15 августга қадар амалга оширилади.

**Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!**

**Қўшимча маълумотларни (0-371) 148-00-10, 235-42-83 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

www.nbu.uz

Хизматлар лицензияланган.

1028А/115

**“ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ”** ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

**Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун**

- қурилиш техникаси
- махсус транспорт
- қурилиш асбоблари
- технологик жиҳозлар
- кичик механизация воситалари

**Лизинг** 1 йилдан 5 йилгача
**Ижара** 1 йилгача



Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли даражада тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

**2017 йил учун ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА буюртмалар қабул қилинади.**

**МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР: КОМПОЗИТ АРМАТУРА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ.**

**ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ ҲОЗИРГИ КУНДА МАВЖУД:**
- **БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (ЎЗБЕКИСТОН);**
- **РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР;**
- **ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧЛАР.**

Тош кесувчи ускуна СК-350/600



АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ

Маҳсулот сертификатланган.

Бўёқчилик аппарати АМ-01






**Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.**

Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй. www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru

**Тел.: (0-371) 250-73-14, 250-85-91, (+99890) 958-61-61. Тел./факс: (0-371) 250-51-04.**

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*“Porsche” автомобилсозлик компанияси жорий йилнинг биринчи ярмида машиналари савдоси бўйича изчил ўсишга эришди.*

## Сотувда рекорд натижа



Мазкур вақт мобайнида корхона 126 минг 497 та автомобиль сотишга муваффақ бўлган. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7 фоиз кўпдир. Ушбу кўрсаткич компаниянинг сотув сегментида рекорд натижа ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, харидорлар, асосан, “Macan” кроссвери ҳамда “Panamera” русумидаги тўрт эшикли янги спорткарга катта қизиқиш билдиришган. Жумладан, сўнгги русумдаги спорткар олдинги муқобилидан 54 фоиз кўп сотиб олинган.

Мутахассислар “Porsche”нинг савдо ҳажми ортишини Хитой бозоридаги барқарорлик билан изоҳлашмоқда. Чунки Чин ўлкаси вакиллари жорий йилда мазкур автокомпаниянинг турли русумдаги 35 минг 864 та машинасини харид қилишган. АҚШ бозорида эса “Porsche” 27 минг 568 та автомобилни мижозларга етказиб берган.

## Везувий вулқонсиз ҳам тутамоқда

*Айни пайтда Италия жанубини кезиб юрган сайёҳлар Везувий кратери атрофи қуюқ тутун билан қопланганини кўришлари мумкин. Бироқ бу ҳолат вулқон отилиши туфайли эмас, балки кучли ўрмон ёнғинлари боис юз бермоқда.*



Қарийб бир ҳафтадирки, Кампания, Базиликата минтақалари ва Сицилия оролида давом этаётган ушбу табиий офат аҳоли тураржойлари ҳамда диққатга сазовор масканларга жиддий зарар етказгани айтилмоқда. Ўт ўчирувчилар ҳозирги кунга қадар 18 та “катта ўчоқ”ни аниқлашган. Ҳароратнинг ўта исиб кетиши туфайли содир бўлган табиий офатни бартараф қилиш учун ёнғин авиацияси ҳам жалб этилган.

## Инқирозга ишчилар айбдорми?

*Дунёнинг кўҳна молия муассасаларидан бири саналмиш “Монте дей Паски” (Италия) банки инқироздан чиқишга уринмоқда.*

MONTE DEI PASCHI DI SIENA BANCA DAL 1472

Бунинг учун молия муассасаси ходимлари сонини мисли кўрилмаган даражада — 5,5 мингтага қисқартириш, топ-менежерларнинг маошларини камайтириш ва 2000 та филиалидан 600 тасининг фаолиятини тугатишни режалаштирган.

Айни пайтда ушбу банк 9 миллиард евро миқдорида капитал етишмовчилигидан азият чекаяпти. Мазкур чора-тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши нафақат инқироз кўчасидан чиқишга, балки 2021 йилга бориб, 1 миллиард евродан зиёдроқ соф фойда кўришни таъминлаши кутилмоқда.

## Кексалар нега кам ухлашади?

*Америкалик олимлар кекса ёшдаги кишилар нима учун кам ухлаши ва тунда безовта бўлиб чиқишининг сабабини топганликларини айтишмоқда.*

“Proceedings of the Royal Society B” илмий журналида ёзилишича, қарияларнинг тунлари яхши ухлай олмасликлари, асосан, уларнинг қандайдир касалликка чалинганликлари туфайли эмас, балки қондан-қонга ўтиб келаётган инстинкт — авлодларни хавф-хатардан муҳофаза этиш учун экан. Бир неча ўн минг йиллар илгари ҳам бобо ва бувилар фарзандлари ҳамда набираларини душманлар ҳужуми ёки ваҳший ҳайвонлар ҳамласидан ҳимоя қилиш учун тунлари кам ухлашган, ухлаганларида ҳам сергак ётишган.

Олимлар Танзаниянинг шимолида деярли ибтидоий жамоа даври шароитида яшайдиган қабила ҳаётини ўрганиш орқали шундай хулосага келишди.

## Токиодан сўнг Париж ёки...

*2024 ҳамда 2028 йиллардаги ёзги Олимпиада ўйинлари мезбонлиги Париж ва Лос-Анжелес шаҳарларига берилади. Бу ҳақда Халқаро Олимпия қўмитасининг 11 июль куни Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган сессиясида қарор қилинган.*



Айтиш жоизки, 2024 йилги Олимпия ўйинлари мезбонлиги учун Гамбург, Будапешт, Рим, Париж ва Лос-Анжелес шаҳарлари даъвогарлик қилаётган эди. Якунда Франция ҳамда АҚШ вакиллари ўз талабномалари қатъий эканини тасдиқлашган.

Йиғилишда XXXIII ва XXXIV ёзги Олимпиада ўйинларини ушбу икки шаҳарга бериш таклифи билдирилган. Қайси ҳудуд қайси мусобақага мезбонлик қилиши эса жорий йил сентябрь ойида аниқ бўлади.

Эслатиб ўтамиз, XXXII ёзги Олимпиада ўйинлари 2020 йили Япониянинг Токио шаҳрида уюштирилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Ёшлар — Ватан келажаги

*Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Бу мамлакатимиздаги навқирон авлод вакиллари ҳаётида унутилмас, муҳим сана сифатида тарих саҳифаларидан ўрин эгаллади. Зеро, ёшлар иттифоқи шунчаки жамоат тузилмаси эмас, балки жуда катта ваколат ва имкониятларга эга ташкилотга айланди.*

**ЖАРАЁН**

Нукус шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг мажлисида ана шулар ҳақида сўз борди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор, улар учун яратилган имкониятларни алоҳида эътироф этди. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти, аҳамияти, унда белгиланган вазифалар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ш. Базарбаева, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши аъзоси, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳиби П. Жолдасбаев юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга қорақалпоғистонлик ёшлар номидан миннатдорлик билдиришди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси этиб Абатбай Данияров сайланди. Шунингдек, мазкур ташкилотнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, ижроия қўмитаси аъзолари тасдиқланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ. Сариев қатнашди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгашининг илк йиғилишида ҳам мазкур ташкилот олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

— Ўз фаолиятини бошлаётган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, унинг сайланадиган раҳбариятидан умидимиз катта, — деди йиғилишда сўз олган вилоят ҳокими Ўктам Барноев. — У фақатгина ижтимоий фаол ўғил-қизлар билан ишлаб қолмасдан, уюшмаган ёшлар қатламини ҳам ўз атрофига бирлаштириши, маданият, спорт, илм-фан, тадбиркорлик ва бошқа соҳалардаги қобилиятларини юзага чиқаришда ташаббус кўрсатиши лозим.

Вилоятда ишбилармонлик салоҳиятини намоён этган ва иш ўринлари яратган ёш тадбиркорлар кўп. Улардан бири пешкулик Шерзод Раҳмоновдир. Паррандачиликка ихтисослаштирилган корхонага раҳбарлик қилаётган бу изланувчан йигит ҳар йили 5-6 нафар коллеж битирувчисининг бандлигини таъминламоқда.

Йиғилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси этиб Зарифжон Комилов, шунингдек, кенгаш ижроия қўмитаси таркиби сайланди.

Қашқадарё вилоятида ҳам худди шу масалага бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда Президентимиз томонидан 2017 йил 30 июнь куни ёшлар билан ўтказилган учрашувда белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Ёшлар иттифоқи олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари учун яратиб берилган кенг имкониятлар ҳақида тўхталиб, янги ташкилот фаолиятининг йўлга қўйилганлиги, ундаги вазифалар ижроси келажагимиз ворисларига улкан масъулият юклашини билдиришди.

Тадбирда бунгача "Камолот" ЁИҲнинг Қашқадарё вилояти кенгаши раиси вазифасида ишлаган Шомурод Сатторов Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қашқадарё вилояти кенгаши раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Одилжон Таджиев, вилоят ҳокими Зафар Рўзиев, Ёшлар иттифоқининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**

## Фарзандлар саломатлигига барча жавобгар

*Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги "Машъал" болалар оромгоҳида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Соғлом турмуш — ҳаётимиз пойдевори" шиори остида спорт мусобақаси ўтказилди.*

**ТАДБИР**

Мамлакатимизда ёш авлодни маънан ва жисмонан соғлом, ватанпарвар, фидойи этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича барча шарт-шароит яратилган. Олиб борилаётган кўламли саъй-ҳаракатлар келажагимиз ворисларининг ўз иқтидорини рўёбга чиқариши, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллашини кафолатлашга хизмат қилмоқда.

Мусобақада оромгоҳда дам олаётган болалар шашка, сузиш, стол тенниси, югуриш, узунликка сакраш бўйича ўзаро баҳслашди. "Менинг келажакдаги оилам" мавзуидаги асфальтга расм чизиш беллашуви ҳам барчанинг эътиборини тортди.

— Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, айниқса, қизларнинг ўз саломатлигига бўлган масъулиятини кучайтириш тадбирнинг асосий мақсадидир, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси Зумрад Алиева. — Болалар қувончи, шодлиги ва интилишлари мақсадимизга эришганимиздан далолат беради.

Мусобақа ғолиблари ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**ИЗЛАНИШ**

*Марғилон шаҳридаги "Far Safina Fayz" масъулияти чекланган жамиятида 10 турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.*

## Корхонанинг янги лойиҳаси

Айни пайтда кичик бизнес субъектида 20 киши иш билан банд. Улар томонидан ойига 5 мингдан зиёд маҳсулотлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

— Яқинда маҳаллий хом ашёдан сифатли қурилиш материали — йўлак қопламалари ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирдик, — дейди жамият раҳбари Иброҳимжон Хўжамбердиев. — Бу эса даромадимизнинг муттасил ошишига хизмат қилмоқда. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш эвазига 15 та иш ўрни яратишни режалаштираяпмиз.

**Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Эҳтиётсизлик оқибати ёмон

*Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Оролбўйида ҳам ёнғинлар профилактикаси тадбирлари тобора изчиллик касб этмоқда. Хусусан, куни кеча минтақада давлат тасарруфидаги 27 та объект текширилди, 4 та тадбиркорлик субъектида ёнғин-профилактика кўриги ўтказилди. Натижада 166 та камчилик аниқланиб, уларнинг 118 таси жойида ҳал этилди. Айни чоғда 453 нафар ходим билан суҳбат уюштирилди.*

**ОГОҲЛИК**

— Маҳалла фаоллари билан биргаликда 6905 та хонадонга ташриф буюриб, 14377 нафар фуқаро билан йўриқномалар ўтказилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Азамат Давлетов. — Аниқланган камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича 48 нафар фуқаро билан суҳбатлашилди. Масалан, Кегейли туманилик К. Арсланбаев, Е. Умаров ҳамда тахтакўпирлик Т. Абдуллаевнинг тураржойида содир бўлган ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда оқибатлари кенг муҳокама қилинди. Шу билан бирга, 3 та бино ва иншоотнинг фаолияти вақтинча тўхтатилиб, 38 та носоз электр ускунаси ва агрегатдан фойдаланиш тақиқланди.

Профилактика куни тадбирлари давомида аҳоли, ташкилотлар, таълим ва даволаш муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш, бундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишга жамоатчиликни кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ўз ижобий самарасини бераяпти. Маскан ишчи-ходимларида ёнғин содир бўлганда ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида 3 марта амалий машқ ва машғулотлар ҳам ташкил этилди. Ёнғинни ўчириш усулларини кўрсатиш ва ушбу тадбирларга жамоатчиликни кенг жалб қилиш мақсадида одамлар оммавий тўпланадиган масканларда ёнғин ўчириш техникалари ва воситаларини намойиш этган ҳолда 14 та учрашув ўтказилди.

Ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда уларнинг раҳбарлари билан ўқув машғулотлари, тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича уч марта текширув ўтказилиб, 37 камчилик аниқланди. Уларнинг 19 таси жойида бартараф этилди.

Ёнғин ўчиришга мўлжалланган сув таъминоти қурилмаларининг техник ҳолатини назорат қилиш мақсадида ҳудуддаги мавжуд ёнғинга қарши сув ҳовузларининг 15 таси ҳамда 38 та ер ости сув олиш қурилмаси текширилиб, аниқланган носозликлар бартараф қилинди.

Умуман, мамлакатимизнинг барча ҳудудида юқори савияда ўтказилаётган бу каби тадбирлар нохуш ҳолатларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZSANOATQURILISHBANK

2017 йил 11 июль куни
Fitch Ratings
халқаро рейтинг агентлиги
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг халқаро кредит рейтингини
«B+»
даражасида тасдиқлади.

Барча рейтинглари истиқболи:
«БАРҚАРОР».

Вақт давомида синалган ишонч!
Хизматлар лицензияланган.
1029А/318




*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

**қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:**

**Енгил автотранспорт воситалари учун автомобиль пневматик шиналари:**
155/70R12 — 200 та, 155R12С — 100 та, 165/65R13 — 452 та, 175/70R13 — 1400 та, 185/70R14 — 1080 та, 185/75R16С — 56 та, 195/65R15 — 260 та.

**Ҳар қандай йўлларда ҳаракатлана оладиган автомобиллар учун автомобиль пневматик шиналари:**
215/90R15 (8.40х15) — 252 та, 225/75R16С — 400 та.

**Юк ташувчи автотранспорт воситалари учун пневматик шиналар:**
8.25R20 (240х508) — 84 та, 260/508R20 — 210 та, 320/508R20 (12.00R20) — 80 та, 7.5R16С — 342 та, 8.5R17.5 — 258 та, 320/457R18 — 8 та, шатакчи орқа ғилдираги учун 315/80R22.5 — 4 та.

**Енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари учун автомобиль мотор мойлари:**
10 W 40 (яримсинтетик), 15 W 40 (минерал), 15 W 40 (дизель), 15 W 40 (универсал), 15 W 40 (турбодизель).

**Қуйидаги русумли автотранспорт воситалари учун автомобиль тентлари:**
«УАЗ-469», «УАЗ-31512», «Uzotoyol», «Isuzu», «ЗИЛ-130», «ЗИЛ-131», «ГАЗ-52», «ГАЗ-3307», «ГАЗ-66», «Газель», «Супер МАЗ», «Урал-4320».

**Енгил ва юк ташувчи автотранспорт воситалари учун автомобиль аккумулятор батареялари:**
АКБ 6 СТ 35 — 250 та, АКБ 6 СТ 55 — 300 та, АКБ 6 СТ 62 — 300 та, АКБ 6 СТ 75 — 250 та, АКБ 6 СТ 90 — 270 та, АКБ 6 СТ 132 — 40 та, АКБ 6 СТ 190 — 120 та.

**Етказиб бериш шартлари:**
— маҳаллий етказиб берувчилар учун — етказиб берувчининг омборидан олиб кетиш;
— хорижий етказиб берувчилар учун — DAP (CIP) — Тошкент шартларида.

**Тўлов шартлари:** маҳаллий етказиб берувчилар учун 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнг, хорижий етказиб берувчилар учун — 100 фоиз аккредитив.

**Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 256-39-03, 255-75-12. Факс: (0-371) 281-46-70. E-mail: umts@mvd.uz**

1024А/316

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 034 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6